

ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ШАРОИТНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь кuni Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Сарҳумдон маҳалласига борди.

Вазирлик ва идораларни қўйи бўғинга тушириб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, барча дастурларни маҳаллабай амалга ошириш — давлатимиз раҳбарининг энг асосий талаби.

Сарҳумдон маҳалласида ҳам иш шундай ташкил этилган. Ички йўллар, майдончалар обод қилинган. Яқинда бу ерда янги Маҳалла гузари қурилди. Савдо ва маиший хизмат шохобчалари, болалар ўйингоҳи, ҳарбий ватанпарварлик майдончаси ташкил этилди.

Маҳаллада 6 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ерда 45 та кўп қаватли уй, мактабгача таълим муассасаси ва хусусий мактаб бор. Ундан ортиқ кичик бизнес корхонасида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда.

Президентимиз маҳалладаги шароитларни кўрди. Ҳарбий ватанпарварлик майдончаси билан танишув чоғида бу ерда аскар ва спортчиларни жалб этиб, ёшларни миллий ғурур ва мардлик руҳида тарбиялаш юзасидан тавсиялар берилди.

Маҳаллада "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кўчатлар экилиб, мўъжаз боғ барпо этилган. Шавкат Мирзиёев маҳалла оқсоқоллари билан бирга ушбу боққа кўчатлар ўтказди. Нурунийлар юртимизга ҳамisha тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Давлатимиз раҳбари қутилмаганда Гулобод маҳалласига ҳам ўтиб, мавжуд ҳолатни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди. 93 ёшли Анвархўжа ота Президентимизни дуо қилди. Маҳалладаги ўзгаришларни таъкидлаб, оталар чойхонаси қуриб беришни сўради. Шавкат Мирзиёев бу таклифни қўллаб-қувватлаб, отахонга мустақкам соғлиқ тилади.

Гулобод маҳалласида Шайхонтоҳур тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 41-умумтаълим мактаби жойлашган. Президентимиз мазкур мактабларни ҳам кириб кўрди, ўқитувчилар билан гаплашди.

— Кўраяписизлар, таълим билан муаллимга шароит яратишга ҳаракат қилаймиз. Бугун бу ерда келиб, ўзимга кўп хулоса қилдим. Бу мактаб биносини ҳам янгилаймиз. Фанлар учун, спорт учун яхши шароитлар бўлади. Бугун бир тарихий кун бўлиб қолади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар аҳолиси билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманидаги Марказий кўп тармоқли поликлиникани бориб кўрди.

Бу шифо маскани 1994 йилда қурилган, 2017 йилда реконструкция қилинган. Бу ерда терапия, неврология, кардиология, ревматология, аллергология, педиатрия, жарроҳлик каби бўлимлар, ташхис ускуналари мавжуд.

Ушбу марказий поликлиника ва унинг таркибидаги 9 та оилавий поликлиника туманининг 51 та маҳалласида яшовчи 346 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Президентимиз ушбу поликлиникалар негизда тиббиёт кластери ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

— Замон талаби шундай: хусусий тиббиёт ривожланиб бораверади. Аҳолининг бир қисми хусусий клиникаларга боради. Лекин давлат барча аҳолини сифатли тиббиёт билан қамраб олиши керак. Шунинг учун бу ерни кластерга айлантириб, даволашни манзилли йўлга қўйиш, самарадорлиги ва қамровини ошириш зарур. Одамлар тиббиётда адолатни сезиши керак, — деди Президент.

Мутасаддиларга шу борада топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Олим Хўжаев номидаги маҳаллада ҳам бўлди. Бу ерда ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган икки қаватли уйларни реновация дастури асосида янгилаш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарига шу борадаги лойиҳа ҳақида маълумот берилди. Президентимиз маҳалладаги нурунийлар, хонадон эгалари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди.



ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ МУНОЗАРАСИ ҚИЗИЯПТИ



НАВОИЙДА
ШУНДАЙ
ҲОКИМЛАРИМИЗ
БОР ЭКАН...

3 САҲИФА



ТОҒДАН
ТЕРМИЗГАЧА

7 САҲИФА

ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.
Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



24-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№47 (32689)

Маъмурий ислохотлар:

ДАВЛАТ
ИНСОНЛАР УЧУН

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
фракцияси раҳбари:

— “Инсон қадри учун” таъмоили асосида Президентимиз томонидан белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, халқимизга хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарув тизимини яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш маъмурий бошқарув соҳасида тизимли ислохотлар ўтказилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши шу жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга эга. Демократиянинг олий қадриятлари асосида маъмурий ислохотлар ўтказиш давлат бошқарувининг самардорлигини оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий ислохотлар ўзи нима?

Бу — давлат функциялари ва уларни бажарувчи ташкилотлар тузилмалари, маъмурий бошқарув фаолияти воситалари, усул ҳамда услубларини қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ мақсадли ўзгаришларни амалга оширишдир.

Мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган маъмурий ислохотлар самарали ҳамда мақбул давлат бошқаруви тизимини вужудга келтиришга йўналтирилган.

Хўш, маъмурий ислохотлар нимаси билан муҳим?

Биринчидан, ислохотлар орқали давлат хизматчилари халққа яқин бўлади, фуқароларнинг муносабатлари тез ечилади.

Иккинчидан, бошқарув тизимидаги ортиқча, бир-бирини такрорлайдиган, ўзаро ўхшаш идора ва ташкилотлар, вазирликлар қисқартирилиб, ихчам ва самарали бошқарув тизими яратилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Учинчидан, марказий идораларнинг худудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янги чора-тадбирлар жорий этилиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечилади. Бунда худудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Тўртинчидан, қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан марказий ва маҳаллий раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янги, замонавий ёндашувлар жорий этилади, давлат хизматига ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Бешинчидан, давлат раҳбари таъкидлаганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкини елкасига олиши керак. Шу нуқтаи назардан, катта-кичик раҳбарларнинг онги-шурида “раҳбар халққа хизматчи, одамларнинг ҳўжайини эмас”, деган оддий, ammo демократик, инсоний нуқтаи назардан

муҳим тушунчани сингдириш, тушунтириш вазифаси турибди.

Давлат идораларининг халқдан узилиши, ўзи билан ўзи бўлиб қолиши, сўз ва иш ўртасидаги тафовут ҳамда коррупция фуқароларда ҳокимият институтлари, мансабдор шахсларга салбий муносабатни пайдо қилиши мумкин. Маъмурий ислохотлар давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини пухта белгилаш ҳамда уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган кадрлар этиб тарбиялаш учун зарурдир.

Олтинчидан, бошқарув тизимини ислох қилиш орқали бюджет ортиқча сарф-харажатлар ва юкмаалардан халос бўлади. Коррупция, таъмағирлик, таниш-билишчилик каби иллатларга ўрин қолмайди, давлат бошқарувида инсон омилнинг ўрни камаяди.

Маъмурий ислохотлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам принципиал аҳамиятга эга. Партияимизнинг Сайловди дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда юртимизда ижтимоий тенглик, халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этиш белгиланган. Бундай давлатни шакллантириш барча соҳаларда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликни қарор топтириш заруратини аналтади.

Бу нафақат ҳуқуқий тенглик, балки ижтимоий мавқеи, мулкий ҳолати ва даромадидан қатъи назар, устувор ҳуқуқларни амалга оширишда барча учун тенг имкониятлар яратишни тақозо этади.

Президентимиз илгари сурган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш ғояси давлат бошқаруви ва демократия нуқтаи-назаридан том маънода Янги Ўзбекистонни яратишга асос бўлади.

Яна бир характерли жиҳат шундаки, ҳақиқий маъмурий ислохотлар барча инсонларнинг ёши, жинси, ногиронлиги, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шунинг учун маъмурий ислохотларни белгилаб олишда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги белгиланди. Ҳар қандай ислохот чуқур мулоҳаза, стратегия билан амалга оширилгандагина қутилган самарани беради. Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси ҳамда маълум бир соҳа йўналишида тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Шу ўринда маъмурий ислохотлар бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак. Масалан, Хитойда давлат ташкилотлари ходимларини қисқартириш, такрорланувчи функцияларни бартараф қилиш, Давлат кенгаши тузилмасини қайта тузиш, самарали кадрлар сиёсатини юритиш, коррупцияга қарши кескин курашиш маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Японияда эса Бош вазир ва унинг кабинети роли кучайтирилди, вазирлик ҳамда идоралар қайта тузилди, улар маъмурияти фаолиятини баҳолашнинг янги шакллари жорий этилди, бир қисм бошқарув функциялари қўйи органларга берилди, давлатнинг кадрлар сиёсати ўзгартрилди.

Мамлакатимизда режалаштирилаётган маъмурий ислохотлар шунчаки шаклий ўзгаришлар билан эмас, балки замонавий давлат менежментини жорий қилиш ва ўз навбатида, стратегик мақсадларимизга эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиши кутилмоқда.

Парламент вакиллари деярли ҳар куни вазирлик, идоралар ва ҳукумат вакилларини чақириб саволга тутаётган экан...

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АНЧА МУРАККАБ ЖАРАЁН. ҲУКУМАТ БЮДЖЕТ ЛОЙИХАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИБ, ПАРЛАМЕНТГА ТАҚДИМ ЭТДИ. ПАРЛАМЕНТ АНЧА ЎЗГАРГАН, БЮДЖЕТ МАСАЛАСИДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ САВОЛЛАРИ КЎПАЙГАН. ДЕМОКРАТИК ҲАЁТ ЎЗИ ШУНДАЙ, БОРГАН САРИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ТАЛАБЧАНЛИГИ ОШИБ, ХАРАКТЕРИ ШАКЛЛАНИБ, КУЧАЙИБ БОРАДИ.

2022 йил учун давлат бюджети:
ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ
МУНОЗАРАСИ ҚИЗИЯПТИ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, шунингдек, ушбу ҳужжат билан бирга тақдим этилган 2022–2024 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, қонун лойиҳаси макроиқтисодий сиёсатнинг 2022 йил учун асосий йўналиши ва кўрсаткичлари пандемия давридан кейин иқтисодийнинг тикланиши ҳамда бутун дунёда пандемия давом этиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб шакллантирилган. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича ижобий динамикани сақлаб қолиш, бу кўрсаткич 839,9 триллион сўмни ташкил этиши ҳамда 6,0 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда.

Давлат бюджетининг харажатлари 188,9 триллион сўмни, давлат мақсадли жамғармалари харажатлари эса 58,7 триллион сўмни ташкил этади. 2022 йилда ҳам Давлат бюджет харажатларининг ярми ижтимоий соҳага йўналтирилиши белгиланмоқда.

БЮДЖЕТ СОҲАСИДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ...

Қонун лойиҳасида бюджет соҳасига оид қатор ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Хусусан, иқтисодий ўсиш жараёнида тармоқлар ичидаги масалаларни тезкорлик билан амалга ошириш ва биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг ваколатини кенгайтириш мақсадида уларга ўзларининг қўйи ташкилотларига ўзларига ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини 10 фоизга Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтириш ҳуқуқи берилмоқда.

Давлат бюджети тақчиллигининг прогноз кўрсаткичларидан охиб кетишининг олдини олиш

ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6 трлн. сўм миқдоридан, бюджет тақчиллигининг чекланган миқдоридан ошишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақатгина қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга ошириш ҳамда 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг энг юқори чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогнозига нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги лозимлиги белгиланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига қўшимча тарзда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинadиган ер солиғи тушумларини, шу жумладан, Президент қарорларига кўра, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда йўналтириш ваколати берилмоқда. Маҳаллабай ишлашнинг янги тизими учун 2,5 триллион сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағлар бевосита ҳоким ёрдамчилари томонидан тасарруф этилиши белгиланмоқда.

ЯРМИДАН ОРТИГИ ИЖТимоий соҳаларга йўналтирилади

Ижтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Хусусан, мактабга таълим муассаларига 8,6 трлн. сўм, халқ таълимига 30,8 трлн. сўм, ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 трлн. сўм маблағ ажратилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, олис ва чекка худудларда 1 600 та боғча ташкил этиш учун 1,5 трлн сўм субсидия

ва компенсация ажратилиши, мактабларда таълим сифатини ошириш ҳамда ўқувчилар учун янги авлод дарсликларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш учун Халқ таълими вазирлигининг Китоб жамғармасига 605 млрд. сўм, мактабларни тезкор ва сифатли интернет тармоғи билан таъминлаш ишларини кейинги йилда якунига етказиш учун 152 млрд. сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Умумтаълим муассасаларини, мактабга таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашга, шунингдек, сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатлари тегишли маҳаллий бюджетлардан амалга оширилиши белгиланмоқда.

2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 24,0 трлн. сўм маблағ ёки жорий йилга нисбатан 17 фоизга кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлашда ҳам бир кун ўзгаришлар бўладигандай. Масалан, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилиниб, молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллангани электрон ахборот тизими жорий этилади. Яъни, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда бошқа давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни бепул даволаниш (тиббий йўланма) харажатлари учун 589,0 млрд. сўмдан зиёд маблағ кўзда тутилиб, Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси ва тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилмади шартномага мувофиқ беморларнинг даволаниш харажатлари тўлиқ қопланади.

ФРАКЦИЯМИЗ ҲУКУМАТГА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ



Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ʻZHDП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш 2022 йилда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, деб белгиланмоқда.

Пандемиядан кейинги тикланиш даврида Давлат бюджети лойиҳасининг ижтимоий йўналтирилганлигининг аҳамияти жуда юқори. Ижтимоий соҳага қатор муҳим харажатлар ҳамда долзарб тадбирлар режалаштирилганлиги, аҳоли ва партияимиз электоратини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятимизда барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда пандемия шароитида иқтисодиётни тиклаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг самардорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни Халқ демократик партияси фракцияси ижобий баҳолайди ва бюджет лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, қатор масалаларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Жумладан, бугунги кунда бюджет ташкилотла-

рида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси давлат томонидан тўланмоқда. Нодавлат ташкилотларда бундай нафақа иш берувчилар томонидан тўланиши белгиланган. Аммо амалда аксарият иш берувчилар ходимлар, аёллар, оналар олдидаги бу мажбуриятни бажармаяпти. Бу эса нобюджет соҳадаги иш берувчилар томонидан аёлларни ишга қабул қилмасликка (айниқса, ҳомиладорлик даврида) ва аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг чекланишига сабаб бўлмоқда. Шу билан биргаликда, иш билан банд бўлмаган аёлларга ушбу нафақалар тўланмайди. Мазкур ҳолатлар кенг жамоатчиликнинг савол ва мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.


Фракцияимиз фикрича, барча аёллар учун ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ходим давлат ёки нодавлат ташкилотда ишлашдан қатъи назар қоғалти равишда давлат томонидан тўланиши лозим. Буни амалга оширишнинг энг ишончли ва мақбул йўли нафақанинг давлат томонидан тўланиши ҳисобланади. Партияимиз депутатлари ҳукуматга мана шу тақлифни ҳам берди.

Давлат бюджети манфаатдор ва масъул томонларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари, соғлом ва демократик тортишувлари орқали қабул қилинса, сиз билан бизга шунча яхши бўлади. Ҳозир қонун лойиҳаси парламент Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Парламент вакиллари деярли ҳар куни вазирлик, идоралар ва ҳукумат вакилларини чақириб саволга тутаётган экан...

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон ovozi” муҳбири.

Ҳоким ўзгарса, ҳудуд ўзгаради, ҳудуд ўзгарса, мамлакат ўзгаради.

24-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№47 (32689)



НАВОИЙДА ШУНДАЙ ҲОКИМЛАРИМИЗ БОР ЭКАН...

“АВВАЛО ҲОКИМЛАР ЎЗГАРИШИ КЕРАК”.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БУ ТАЛАБИ КЕНЖ ҚАМРОВЛИ ГОЯ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАГАНИ ҲАҚИДА УЗОҚ ГАПИРИШ МУМКИН. ҲОКИМ ЎЗГАРСА, ҲУДУД ЎЗГАРАДИ, ҲУДУД ЎЗГАРСА, МАМЛАКАТ ЎЗГАРАДИ, ЮКСАЛАДИ. ҲОКИМЛАР ОЧИК MAVZU, МУҲИМ ВА КЕРАКЛИ MAVZU...

Ўзбекистонда неча ҳоким бор? Қанча туман, шаҳар, вилоят бўлса, шунча ҳоким бор. Ҳар бир ҳоким алоҳида бир дунё. Бу оламни яқиндан билиш фақат фойда беради. Газетанинг ҳар бир сонидан битта маъмурий ҳудудда ишлаётган ҳокимлар ҳақида қисқа, имкон қадар қизикроқ маълумотлар беришни ниёт қилдик. Бу дебоча саҳифа, қизиклари ҳали олдинда.

Ўтган ойда argos.uz порталида Ўзбекистондаги барча ҳокимларнинг фаолияти самарадорлигини акс эттирувчи рейтинг натижалари эълон қилинди. Вилоятлар бўйича умумий рейтингда Навоий вилояти энг юқори кўрсаткични қайд этган ва 87 балл билан етакчилик қилган эди.

НАВОИЙНИНГ ЯНГИ ҲОКИМИ

Вилоятнинг умумий ҳудуди 110,99 минг кв.км ни ташкил этса, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони 1004,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошдан 7561 кишига ёки 0,7 фоизга кўпайган.

2016 йилдан буён Навоий вилоятига Қобил Турсунов раҳбарлик қилиб келаётган. Президентнинг тегишли фармони билан Қобул Бекназарович Турсунов Навоий вилояти ҳокими лавозимидан озод этилди, Нормат Тўлқинович Турсунов Навоий вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Нормат Турсунов солиқ органлари тизимидаги фаолиятини 1994 йили Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани давлат солиқ инспектори вазифасидан бошлаган. 2010–2017 йилларда у Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари, сўнг Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган.

ТАДБИРКОР ҲОКИМ

13 ноябрь куни халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди, деб хабар беради Навоий вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати.

Маълум қилинишича, ташкилий масала кўриб чиқилган мазкур сессия ишида Навоий вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов сўзга чиқиб, туман ҳокими лавозимидан озод этиш ҳамда туман ҳокими лавозимига Улуғбек Файзиёвни тайинлаш тўғрисида қабул қилинган қарорини ўқиб эшиттирган. Ушбу қарор халқ депутатлари Қизилтепа тумани Кенгаши депутатлари томонидан маъқулланган.

У.Файзиёв Олий Мажлис Сенати аъзоси, катта тадбиркор. Навоий шаҳридаги Zarafshan Golden Group МЧЖ таъсисчиси ҳисобланади. Ушбу компания Навоий вилоятида ва Тошкент шаҳрида кўп қаватли турар жой биноларини, шунингдек, ишлаб чиқариш объекти, ички автомобиль йўллари қуриш, боғчаларни таъмирлаш ва бошқа қатор қурилиш ишлари билан шуғулланади.



КИТОБСЕВАР ҲОКИМ

Ўзбекистоннинг ўзига хос саноат маркази Зарафшон шаҳри ҳокими ҳақида биласизми?

2018 йил 25 май куни шаҳарга Анвар Раджабов ҳоким этиб тайинланган. У 2017 йил март ойидан бошлаб Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаган.

Зарафшонликларнинг айтишларича, Анвар аканинг китобга, матбуотга қизиқиши жуда кучли. Ўқишни жуда ёқтиради. Ҳоким тез-тез ўринбосарлари, ташкилотлар раҳбарлари билан кутубхонага бориб, мутолаа соатини ўтказаркан. Ҳар ҳафта шанба куни кутубхонадан ташқари маънавият соатида ҳам битта асар муҳокама қилинар экан.



12 ЙИЛЛИК ҲОКИМ 15 ЙИЛ СОЛИҚЧИ БЎЛГАН

Қайрат Алдаберген 2009 йилдан буён Томди туманини бошқариб келмоқда. У ўз фаолиятини математика ўқитувчилигидан бошлаган бўлиб, кейинчалик Нурота туман давлат наслчилик заводи механик цехи ҳисобчиси вазифасида ишлайди. Шундан сўнг Навоий шаҳар давлат солиқ инспекциясида ҳисобчиликдан тортиб, ташкилот раҳбарлигигача кўтарилган, кейин ҳоким бўлган.



ПРОКУРАТУРАДАН ЧИҚҚАН ҲОКИМ

“Бош прокуратура ҳузуридаги Агроинспекция бошлиғи Нурота тумани ҳокими этиб тайинланди”. Ушбу хабар 2019 йилнинг март ойида чиққан.

Умарбек Халилов аввалроқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ҳам ишлаган экан. Бош прокуратура ҳузуридаги Агроинспекция бошлиғи бўлган экан.

1977 йилда таваллуд топган ҳоким Ўзбекистон Миллий университетида магистратурани тамомлаган, стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактабини битирган. Бу ҳокимнинг аввалгилари билан ўхшаш жиҳатларидан бири солиққа алоқадорлигидир эҳтимол. Хусусан, У.Халилов иш фаолиятини Навоий вилояти прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспекторлигидан бошлаган экан.



ЗАРАФШОНДАН НАВОИЙ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГАЧА

2018 йилнинг 25 май куни халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Муҳиддин Муртазоевич Бозоров янги ҳоким сифатида тасдиқланган. У бунга қадар Зарафшон ҳокими вазифасида ишлаган.

М.Бозоров Бухоро озиқ-овқат ва энгил саноати технологияси институтини тамомлаган, мутахассислиги – муҳандис-қурувчи.

Болалигидан деҳқончиликка ва чорвачиликка қизиққан. Ҳозир ҳам деҳқончиликка, қишлоқ хўжалиги соҳасига меҳри бўлакча экан. Шунинг учун у кўкаламзорлаштириш, кўчат экиш, боғдорчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратаркан. Ўзи туғилиб ўсган қишлоғида мўъжазгина боғ барпо этган.

Муҳиддин Бозоров ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги аппарат ходимлари, корхона, ташкилот раҳбарлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида тез-тез мусобақалар ташкил этиларкан.



ТУМАН БИЛАН ТЕНГДОШ ҲОКИМ

Вилоятнинг Навбахор тумани 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, туман раҳбари Лочин Облақулов туман билан тенгдош экан.

Туман билан тенгдош ҳоким 1,57 минг квадрат километр майдонда истиқомат қилувчи 100 минг нафарга яқин аҳолига раҳбарлик қилади. Уни яқиндан билувчилар табиатан камгап ва жиддий, деб таърифлайди. Бадий асарларга бўлган меҳрини ҳам эътироф этишади. Айтишларига қараганда, автомобилида ҳам, иш столида ҳам доимо китоб туради. Имкон топди, дегунча бир неча бет бўлса ҳам, ўқишга ҳаракат қилади.

Шу билан бирга, миллий кураш спорт тури билан шуғулланиб туради. Авваллари бунга кўпроқ вақт ажратган бўлса-да, ҳозир ҳам ушбу машғулотини қанда қилмайди. Айниқса, ёшлар ўртасидаги турли мусобақа ва танловларда уларнинг ёнида бўлишга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.



ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ТОРТИШАДИГАН ҲОКИМ

Хатирчи вилоятнинг йирик туманларидан бири, ҳудудда вилоят аҳолисининг бешдан бир қисми истиқомат қилади. Туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Шу йил март ойида Сайфиддин Низомов Хатирчи тумани ҳокими этиб тасдиқланган. У 1966 йилда туғилган. Мутахассислиги – иқтисодчи. Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бўлим бошлиғи, Навоий вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги институт директори бўлиб ишлаган экан.

Бир мuddат Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари ҳам бўлган. Ҳокимликдаги ёш кадрлар, ходимлар ҳокимнинг меҳрибонлигини айтишиди, маслаҳатчи, ёрдамчи аямас экан.

Сайёр қабулга келган ҳар бир фуқаро билан юзма-юз суҳбатлашишга ҳаракат қиларкан. Муаммони ипидан-игнасигача ўрганмаса, кўнгли жойига тушмаскан. Ҳоким математика фанига қизиқишини айтди. Ҳозир ҳам мактабларга борса, соатлаб ўқувчилар билан математика фанидан савол-жавоб қилади, ўқувчилар билан тортишади.



ЭНГ КҮП ЮРАДИГАН ҲОКИМ

2017 йилда Навоий вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Соли Ҳамроев Учқудуқ туманига ҳоким бўлди.

Учқудуқ тумани ҳокими — энг кўп йўл босадиган ҳоким. Негаки, туман ҳудудига 3 та вилоят — Фарғона, Андижон ва Наманганни сиғдириш мумкин экан. Масалан, туман марказидан 200 км. олинда жойлашган Қоқаяз, 170 км. масофадаги Балтай, Боранбай ёки 150 км. узоқликдаги Бузаубай ва Узунқудуқ овулларига бориб келиш учун анча юришга тўғри келади.

Ҳоким 11 та аҳоли яшаш пунктидаги кўзга кўринарли ҳар бир одамни танийди, дейишади. Ҳар бирининг исмини билади, ҳар бирининг оилавий ва ижтимоий аҳолидан хабардор, деган гаплар ҳам бор.

Учқудуқ тумани 1982 йилда ташкил топган, иш учун анча юришга тўғри келади. Аҳолиси 36 минг нафарга яқин.



КЕНЖА ШАҲАРГА ҲОКИМ БЎЛИШ ОСОНИ?

Нурота туманининг бир қисми бўлиб келган Ҳозгон шаҳарчаси 2019 йилда вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритилган. Ушбу ҳудуд Марказий Осиёда пардозбоп тошлар, хусусан, гранит ва мрамарнинг йирик захира-ларига эга энг бой ҳудуд саналади.

2020 йил ноябрь ойида Ҳозгон шаҳар Кенгаши сессиясида Азим Бозоров ҳоким этиб тасдиқланган эди. У 1975 йил туғилган, мутахассислиги – муҳандис, иқтисодчи. Навоий давлат кончилик институтини ва Банк академиясини тугаллаб, 2005 йилдан Учқудуқ туман ҳокими ўринбосари вазифасида ишлаб келган.

Алоҳида шаҳар мақомини олгач, Ҳозгонда қатор ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Бино-иншоотлар қурилиб, ички йўллар кенгайтирилиб, турли хизмат кўрсатиш объектилари ташкил этиляпти. Шаҳарда алоҳида IT маркази бор. Ҳоким ҳар шанба куни бу ерга боришни анъанага айлантирган. У ёшлар билан биргаликда дарсларда қатнашаркан.

Шунингдек, кенжа шаҳар ҳокими тез-тез жамоат билан учрашувлар ўтказсади. Дам олиш кунлари ҳам асосий вақтини маҳаллаларда юзма-юз мулоқот билан ўтказсади. Янги шаҳарда катта ўзгаришлар қилиш учун шаҳар аҳлининг фикри муҳим, деб ҳисоблайди.



КАРМАНАЛИКЛАРИНИНГ АДОЛАТЛИ ҲОКИМИ

2003 йилда ташкил топган Кармана туманида 129,3 минг киши истиқомат қилади. 57 ёшли туман ҳокими Фахриддин Умаров Тошкент политехника институтини Навоий филиалини тугатган, муҳандис – қурувчи.

Ҳоким табиатан очикқўнғил, меҳрибон ва талабчан раҳбар экан. Ҳар қандай масалага шошмасдан фикр-мулоҳаза билан ёндашиб, кейин қарор қабул қиларкан. Ҳар қандай масалада танганинг иккинчи томонини ҳам доимо ҳисобга олади, масалани, муаммони тарозининг икки паласига қўяди, дейишади.

Ҳоким тумандаги қурилиш жойларини бирма-бир жойига бориб ўрганаркан. Меҳнат фаолияти давомида “Навоий кон-металлургия комбинати”да масъул вазифаларда фаолият олиб борган.



МЕҲМОНДЎСТ ҲОКИМ

9,25 минг квадрат километр ёки 924692 гектар майдон. 36 мингга яқин аҳоли.

2017 йилда Муратхан Эгамқулов Конимех туманига ҳоким бўлиб тайинланди ва ҳозир ҳам ўз лавозимидан ишини давом эттирмоқда. Унга қадар эса “Навоийкўмиретказувчи” унитар корхонаси директори лавозимда фаолият юритган.

Янгиликсевар ҳоким туманда қатор ўзгаришлар қилган. Масалан, ўтов шаклидаги бекатлар ташкил қилинган бўлиб, уларда қуёш панеллари асосида телефонни қувватлантириш ва бепул “wi-fi”дан фойдаланиш имконияти мавжуд, дейишади. Шу билан бирга, туман раҳбари соғлом турмуш тарзига амал қилиш бўйича ходимлари ва аҳолига намуна кўрсатаркан. Бўш ётган жойда фитнес клуби барпо этилган бўлиб, ҳоким ўз ходимлари билан ўша жойга қатнаркан.

Айтишларича, М.Эгамқулов жуда ҳам меҳмондўст бўлиб, айрим пайтларда қўлбола ош ҳам тайёрлайди. Меҳмонларни ҳар гал ўзгача қутиб олишга уринади. Қўл остидаги ходимлари билан бир оиладек фаолият олиб боради ва асло кек сақламайди.

Туманнинг ўзига хослиги шундаки, унинг асосий қисми чўллاردан ташкил топган ва 15 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилади. Туман кўшни Қозоғистон билан чегарадош.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбирлари.**

24-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№47 (32689)АРСЛОН ЮРАКЛИ,
ФИДОЙИ ИНСОН

Аниқ эсимда, ўтган йилнинг баҳор фасли эди. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" шиори остида ўтказилган хайрия тадбирида Халилла ака билан Беруний туманининг "Бийбозор" овул фуқаролар йиғинининг энг чекка қишлоғига чиқиб кетдик. Автоуловда овулнинг чанг йўлларида юрдик. Мўъжазгина қишлоқ уйларида бирининг ёнида тўхтадик. Халилла ака дарҳол машинадан ногиронлар аравачасини олди- да, ушбу уйга қараб юриб кетди. Мен ҳам изидан бордим. Кейин билсам, болалигидан ногирон Ғанижон Тулибаев ногиронлик аравачасига муҳтож экан. 10-12 ёшлар атрофидаги Ғанижоннинг ўша пайтдаги қувончини кўрсангиз эди.



Халилла Ешимбетов тиниб-тинчимайди-ган инсон. Имкон қадар инсонларга ёрдам беришга шошилади. Беруний туманида туғилиб, вояга етгани боис, ҳудуднинг барча жойини беш бармоғидек билади. Қайси жойда муаммо бор, унга қай тарзда ечим топиш керак, ҳаммасини ўйлаб юради. Туманининг "Шаббоз" овул фуқаролар йиғини "Қурбоғ" аҳоли манзилида 20 та хонадон кўп вақтлардан бери йўл масаласида қийналиб келарди. Халилла ака мутасаддилар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, бу масалани ҳал қилди, йўл солиб берилди.

МЕХНАТ МАЙДОНИДА
ТОБЛАНИБ

Билим ва тажрибаси билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонган, 40 йилдан буён меҳнат майдонида тобланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги фракция раҳбари Халилла Ешимбетов ёшлигидан "Меҳнатдан топарсан роҳат" деган шиорни қалбига жо қилган.

1981 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тугатиб, дастлабки меҳнат фаолиятини Нукус ип-йиғирув фабрикаси Беруний филиали катта муҳандислигидан бошлаган. Фидойи меҳнат, устозларнинг маслаҳати ва қўллови натижасида ушбу фабриканинг катта устаси, цех бошлиғи, бош муҳандис вазифаларида ишлади.

Халилла акани 1986 йилда Беруний тумани ип-йиғирув-тўқув фабрикаси директори қилиб сайлашди. Иш кўп, жамоани бошқариш ҳам осон эмас. Ишчи-ҳодимларнинг тилини топиш, берилган топшириқларни вақтида бажариш, шунингдек, ўша пайтдаги "план"ни бажариш масаласи ҳам бор. Ёш, оилали бўлишига қарамастан, масъулияти оғир бўлган ишини уддаларди.

1989 йили Беруний тумани партия кўмитаси йўриқчиси, 1991-1995 йиллари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Беруний туман кенгаши раиси бўлиб ишлади. Партиянинг эл-улус орасида танилиши, томир отиши билан боғлиқ жараёнларда фаоллик кўрсатди.

1995 йилдан ҳокимлик ташкилий ишлар бўлими мудири, ундан кейин Беруний тумани "Олғабос" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси бўлиб ишлади. У қайси соҳада фаолият юритмасин, қобилиятли раҳбар, дилгир инсон эканлигини намоён қила олди.

"Агар сен ризқинг манзилини билмасанг, хотиржам бўлики, ризқинг сенинг манзилингни яхши билади", дейишади. Фаол тарғиботчи ва теран фикрли ходим 2008 йили яна партия сафига қайтди. Халилла Ешимбетов 2016 йилгача Ўзбекистон Халқ демократик партияси Беруний туман кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатиб келди.

Инсон ҳаётда меҳнати тўфайли бахт калитини топиши мумкин. Эл орасида юриб, партиянинг мақсад ва вазифаларини тушунириш, мурожаатларни ҳал этиш, одамларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириш осон иш эмас, албатта. Бунинг учун ҳам катта маҳорат, истеъдод зарур. Халилла Ешимбетов ушбу жиҳатлари сабаб 2016 йил Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раислигига сайланди.

Х.Ешимбетов кўп йиллик тажрибага эга раҳбар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси микёсида ўтказилаётган барча тадбирларда фаол қатнашиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш ишларида ташаббус кўрсатди.

ҲУРМАТГА МУНОСИБ ИНСОН

– 11 йилдан буён Халилла Бекиметович билан партия сафида фаолият юритиб келмоқдаман, – дейди Амурарё туман кен-

гаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Махсуд Садуллаев. – У киши ЎзХДП ташкилотига раҳбар бўлганидан кейин кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди ҳамда партия тарафдорлари қўпайиши билан бир қаторда, унинг нуфузи ҳам ошди. Хусусан, Х.Ешимбетов бошчилигида туманда электроташкилотларини ҳимоя қилишга, ёшлар бандлигини таъминлашга, кам таъминланганларга кўмак бериш борасида кўплаб тадбирлар, амалий ишлар бажарилди. Президентликка ҳамда депутатликка сайловлар ўтказиш жараёнига Х.Ешимбетов ўзгача ёндашган. Ушбу жараёнларни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида нурунийлар, ёшлар ҳамда БПТ етакчилари гуруҳларини шакллантириш ташаббуси билан чиққан ва бу бутун республика ташкилотларида амалиётда қўлланган. У партиядан сайланган ҳар бир депутатни шахсан яхши билади ва уларни доим фаолликка, эл дарди билан яшашга ундаб келади. Мен у кишининг одамлар билан самимий мулоқот қилиши, нотиклик санъати, зудлик билан қарор чиқариб, одилна баҳо бериш хусусиятларини қадрлайман. Х.Ешимбетовни партия ишини ҳамма нарсадан устун қўядиган, фидойи, меҳнатқаш, одил, талабчан, эл-юртини севадиган раҳбар сифатида партия ҳодимлари ҳурмат қилади ва ардоқлашади.

Партия кенгаши раҳбари ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзишдан асло чарчамайди. Бирига даволаниш учун ордер олиб берса, яна бирига ногиронлар аравачаси берилишини ташкил қилади. Бир кўчага тунги ёриткич ўрнатирса, бошқа маҳаллага янги трансформатор ўрнатишда ёрдам кўрсатади. Бир гал эски кўприкни янгилатса, бошқа сафар айрим кўчаларни асфальт қилишда депутатлик сўрови билан мурожаат қилиб, масаланинг ҳал этилишини назорат қилади. Сессияларга мунтазам равишда одамларни ташвишга солаётган масалаларни олиб чиқади. Ҳамиша инсонларнинг дардида дармон бўлиб яшашга ўрганган Халилла Ешимбетовнинг кундалик ҳаёти савобли ишлари билан янада мазмунли.

Бугунги кунда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашидаги 526 та бошланғич партия ташкилотига 22307 нафар аъзо жамланган. Жўқорғи Кенгесда 14 депутатдан иборат Халқ демократик партияси фракцияси фаолият олиб бормоқда.

2019 йили Халилла Ешимбетов иккинчи мuddатга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати этиб сайланди ва бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари сифатида иш олиб бормоқда.

– Мен Халилла Ешимбетовни кўп йиллардан буён яхши биланман, – дейди Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиғи ва агротехнологиялар институти ректори, профессор Елмурат Турениязов. – У менинг маслаҳатдошим, партиядошим ва яқин дўстим ҳисобланади. Халилланинг партия ҳаётида ўзини эркин сезадиган, барча ишларни жой-жойига қўядиган мутахассис, десам янглишмаган бўламан. Энг асосийси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, туман ва шаҳар Кенгашлари учун депутатликка номзодларни танлай олиши, лойиқ номзодларни илгари суришини қадрлайман.

У ўзига жуда талабчан, оғир нуқталарни тез англаб етиб, унга ечим топишда тинмай ҳаракат қилади. Эсимда, бундан 3-4 йил аввал давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига 500 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди. Энг кўп депутатлик сўрови билан мурожаат қилган Халилла Ешимбетов эди. Бу унинг сайловчилар, аҳоли учун жон куйдириши, вазифасига масъулият билан ёндашишини англатади.

Меҳнатқаш ва самимий бу инсон жорий йилда "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвони билан тақдирланди.

У ҳар доим вазифаларни ташкиллаштиришда ўзининг бор маҳоратини ишга солиб, ходимлар учун қулай шароит яратиб бера олади. Ўзига ва бошқаларга ҳам талабчан. Хизмат вазифасини ҳамма нарсадан устун қўяди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг фаол тарғиботчиси, жонқуяр ва самимий инсон сифатида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари ва аҳолиси ўртасида ҳурмат қозониб келмоқда. Шунингдек, мунтазам равишда ўзининг сиёсий саводхонлигини оширишга, жамоат ишларида фаол иштирок этишга одатланган.

ШОГИРД ЭҲТИРОМИ

– Инсонни инсон сифатида баҳолайдиган кадрлар бор: инсонийлик, яхшилик, фидойилик ва меҳнатқашлик. Уларнинг барчасини қалбига жо қилган инсонлардан бири Халилла Ешимбетовдир, – дейди партия фаоли, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Қумар Бегниязова. – Гарча у раҳбар, депутат бўлса ҳам, жуда самимий, оддий киши, унинг ёнида ҳар қандай киши ўзини хотиржам ҳис қилади. Кўнглига кир қиролмай, сипқанаб чиқиб кетса керак, деб ўйлайман. Чунки у боладек беғубор, беғард. Шу боис ҳам партия сафидаги ёшлар билан бемалол тил топиша олади. Ёшлар тилини ёшларча тушуниб, бизга ўрناق бўлиб келаётган оғадан ҳаммамиз миннатдор. Партия деса у кишини, у киши деса партияни тасаввур қилиш хаёли шаклланиб қолган бизда. Сабаби, Халилла оға умрининг аксарият қисмини Халқ демократик партиясига бағишлади. Бундай фидойилик эса ҳамманинг ҳам қўлидан келармайди. Партия сафида жамланган биз сингари ёшларни кўриб, баъзан у киши ҳам ёшариб кетганга ўхшайди. Жўқорғи Кенгес депутати сифатида ҳам ўз овозига, сўзига эга инсон. Ҳар қайси даврда ҳам меҳнатқаш инсонларга омад қулади. Омади қулган, меҳнатдан чарчамай, меҳнатни чарчатадиган инсоннинг шогирди бўлганлигидан фахрланаман.

Халилла Ешимбетов ёшларга дўст бўлиш баробарида 5 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, 8 набиранинг сеvimли бобоси. Барча ўғил-қизлари уйли-жойли. Ҳар доим эл-улус ичиде юрган, ҳеч қачон оёғи ердан узилмаган Халилла оғанинг янги лойиҳалари, режалари, ташаббус ва таклифлари бисёр.

Ҳазрат Навоийнинг бир ҳикмати ёдимизга тушади: Ҳилм инсон вужудининг хушманзара боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир. Ҳилм ахлоқ одамнинг қимматбаҳо либоси ва у киём турларининг энг чидамли матосидир. У ёмон нафсни дайди шамол учиритишдан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчи. Ҳилм натижасида одам ҳалойиқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади; ҳилм тўфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишади. (Ҳилм – бўлар-бўлмас ишга аччиқланмайдиган, арслон юракли, юмшоқ табиатли бўлмоқдур).

Халилла оға ҳақида худди шундай сифатларни келтириш мумкин. Унинг арслон юраклилиги шундаки, ҳар бир ишни фидойилик билан бажаради, иштиёк ва ўтли қалб ила меҳнат қилади. Атрофдагиларга, яқинларига самимий, меҳрли муносабатда бўлади. Шу боисдир, бугун у эл орасида ҳурмат қозонган, қадр толган. Партиямиз сафида шундай инсонлар борлиги кўнгилни тоғдек кўтаради.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ.

ВАКЦИНАЛАР САҚЛАНДИГАН
ЭНГ ЙИРИК ОМБОР
ТОШКЕНТДА

20 ноябрь куни пойтахтимизда вакциналарни сифатли сақловчи ҳажм жиҳатдан Марказий Осиёдаги энг катта омбор ишга туширилди. Иншоотнинг очилиш маросимида соғлиқни сақлаш вазири Бехзод Мусаев, ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Афшан Хан, ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лиан Куппенс, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутасаддилари ҳамда бошқа масъуллар иштирок этди.

Мазкур омбор катта миқдордаги турли вакциналарни сақлашга мўлжалланган муҳим иншоот ҳисобланади. Деярли 1000 квадрат метрдан иборат учта совуқлик камераси (2-8 даража), ултрасовуқ совиткичлар (3000 литр ҳажмли) ва музлаткич хоналар (40 куб метр) билан жиҳозланган. Шунингдек, иншоот иммунизация учун зарур материаллар сақланадиган 1000 квадрат метр қуруқ омборга ҳам эга.

Омборхонада юкларни тез ва самарали бошқариш учун электр юк кўтаргичлар, док навеслари, текислаш платформалари ва кўтариш механизмлари мавжуд. Улар иккита электр тармоғига уланган бўлиб, узлуксиз электр таъминоти учун кучли захира дизель генераторига эга.

Таъкидлаш лозимки, ЮНИСЕФ Ўзбекистоннинг бутун миллий таъминот тизими ва совуқлик занжирини узлуксиз ишлашига хисса қўшадиган ҳамда минтақадаги бошқа мамлакатларга намуна бўла оладиган ушбу объект қурилишида иштирок этди.

ҲАЙДОВЧИЛАР
"BLUETOOTH" ДАН
ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН

Сенатнинг йиғирма биринчи ялпи мажлисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид қонун маъқулланди.

Унга кўра, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларга "bluetooth", қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган гарнитуралардан фойдаланишга рухсат берилмоқда.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарлик бекор қилинмоқда. Шунингдек, белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тезликдан соатига 5 километр айириб ташлаб ҳисоблаш жорий этилади.

Қонун Президент томонидан имзоланса, ички ишлар органлари ёки консуллик муассасаси томонидан берилган биометрик паспорт (ID-картаси) мавжуд бўлган тақдирда ҳайдовчидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини бевуви ҳужжат сўралмайди. Транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги ҳамда унга эғалик қилиш билан боғлиқ, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, сўғурта полиси ҳам талаб қилинмайди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БУСТЕР ДОЗА
БИЛАН ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

Маълум қилинишича, Ўзбекистон бош давлат санитария врачининг кўрсатма хатига мувофиқ республика аҳолиси ўртасида коронавирус инфекциясига қарши иммунитетни ошириш мақсадида 17 ноябрь кунидан бошлаб тўлиқ вакцина ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, сўғурта полиси ҳам талаб қилинмайди.


Юртимизда аҳолини коронавирусга қарши эмлаш 1 апрелдан, июнь охиридан эса Тошкентда 18 ёшдан ошганлар коронавирусга қарши оммавий эмлаш бошланган. Ҳозирги кунга қадар 6 турдаги 42 миллион 805 минг доза COVID-19 га қарши вакцина келтирилган. Йил охирига қадар 5,6 миллион доза вакцина келтирилиши кутилмоқда.

Маълумот учун, вакцинациядан сўнг инсонларда одатда коронавирусга қарши юқори ҳимоя даражаси шаклланади. Вакциналар жуда самарадор бўлиб бораётганига қарамай, вақт ўтиши билан COVID-19 инфекциясига қарши ҳимоя кучсизланади. Вакцинанинг дастлабки ҳимояси кучсизлана бошлагач, ҳимояни кучайтириш учун қўшимча вакцина қилинади — бу бустер доза, дейилади.

Ўз мухбиримиз.

XXI asr nafaqat axborot asri,
baluki PSIXOLOGIIYA asri.ВУЖУД
РУҲНИНГ
АМРИГА
МОЙИЛ

АВВАЛЛАРИ
ОДАМЛАР БУ
ТОИФА КАСБ
ЭГАЛАРИГА
МУРОЖААТ
ҚИЛИШГА
ИЙМАНШАРДИ.
ДАРДИНИ
КИМГАДИР
АЙТИШНИ УЯТ
БИЛГАНЛАР
ҲАМ ЙЎҚ
ЭМАСДИ. БУГУН
ЭСА ВАЗИЯТ
БУТУНЛАЙ
ЎЗГАРИБ
БОРМОҚДА.



**Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика университети
Психология кафедраси
доценти, психология
фанлари номзоди Феруза
Акрамова билан нозикроқ
мавзуда суҳбатлашдик.**

— Истаймизми, истамаймизми, ҳатто яхши муносабатларда бинойидек яшаётган инсонлар орасида ҳам низо, жанжал, ҳасад, қўрқоқлик, ажралиш, котиллик каби салбий иллатларнинг тобора кўпайиши психологларга бўлган эҳтиёжни кўпайтирди. Бундан ташқари, турли вазиятлар оқибатида инсонларнинг саломатлигида бош оғриғи, мигрень, стресс, депрессия каби муаммолар юзага келиши табиий ҳолат бўлиб қолди. Бунинг учун психология фанининг моҳиятини билиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Психология қандай фан? "Психология" сўзи иккита грек сўзидан ташкил топган; "психе" — жон, рух ва "логос" — ўрганаман. Яъни, оддий тушунтирилганда, инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар унинг феъл-атворида намоён бўлиши тушунтирадиган, ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракатида юзага келадиган турли кўринишларнинг сабабини аниқлашга ёрдам берадиган фандир.

Психотерапиячи? Бу тушунчада эса рух, жонни даволашда табиий муолажаларни қўллаш усулидан фойдаланиш назарда тутилди.

Бундан кўринадики, бу икки тушун-

ча орасидаги ўхшашлик инсонга ёрдам беришга қаратилган бўлса-да, лекин фарқи шундаки, психотерапия соҳасида руҳий зарбага тушган одамга табиий муолажа олиб борилади ва бошқа кўринишлардаги хизмат кўрсатилади.

Бу борада Сукротнинг шогирди Афлотуннинг фикрига мурожаат қилсак: "Жуда катта хатолик содир бўлаяпти: вужуд ва руҳият касалликларини алоҳида-алоҳида ҳақимлар даволаётдилар. Ахир вужуд ва руҳ бир-бирларидан ажралган ҳолда эмас-ку?", деган. Ҳақиқатан ҳам, ҳақимлар шу пайтгача одамни "тақсимлаб" даволамоқдалар. Натижада касалликларнинг организмни тарқ этиши имиллаб юз бермоқда. Касалликка чалинган одамнинг энг ишончли бирдан-бир нажоти — бу ўз руҳиятини бошқариши, ўзини-ўзи даволашидир. Чунки муолажа жараёнида ҳал қилувчи ўринни инсоннинг ўзи эгаллайди. Табиати қувноқ, ҳаракатчан, кўнгилсизлик ва бахтсизликка сабрли бўлган киши билан, арзимаган нарсдан ваҳимага тушадиган, сал мазаси қочса, умри тугагандек фғони чиқадиган кишининг касалликка нисбатан муносабатини кузатсак, бирин-

чиси ўз руҳини бошқариши билганлиги учун касалликдан фориғ бўлиши тез ва осон, иккинчисининг эса енгил дарди ҳам узоққа чўзилиши мумкин.

— Психологик хизматга бўлган эҳтиёж ҳақида нима дея оласиз? Талаб ортганими ёки йўқ?

— Замон шиддати ва замонга мос равишда одамларнинг эҳтиёжлари кўламини кенгайтириши сабабли психологик хизматга бўлган талаб ҳам анчагина кўпайгани сезилади. Тошкент шаҳрида 2017 йил май ойида ташкил этилган "Ишонч маркази"га 2018 йил 11 январь ҳолатига қадар мурожаатлар сони 10470 тани ташкил этди. Қийин психологик (депрессия, турли оилавий низолар, стресс, ўз жонига қасд қилишга мойиллик) вазиятга тушиб қолган шахслар мурожаатларининг аксарияти оиладаги эр-хотин муносабатлари, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги муаммоси, ёшларнинг оилага боғлиқ эмоционал ва психофизиологик ҳолати, ҳуқуқий, ижтимоий, шахсий муаммолар эканлиги кўринди.

Улар орасида кўпи моддий ёрдам билан боғлиқ бўлиб, карантин пайтида озиқ-овқат етишмовчилиги, болалар учун нафақа, ногиронликни белгилаш тартиблари ҳақидаги масалалар кўтарилган. Маҳалла мутасаддиларининг кўпол муомаласи, тизимдан норозилик, ўзаро оилавий муносабатлардаги низолар билан боғлиқ мурожаатлар ҳам оз эмас. Зеро, зўравонлик оилавий низоларнинг бош сабабига айланиб қолган. Уй-жой, кўчмас мулкни расмийлаштириш, келинларни рўйхатга қўйиш (пропис-ка) масаласи билан боғлиқ низолар ҳам тез-тез учраб турибди.

Бундай ҳолат эса психологик хизматга бўлган эҳтиёжлар турли масалаларда ортганини кўрсатади. Шунингдек, авваллари одамлар юзага келган муаммоларни яқинларига, дугона-дўстларига айтиш орқали маслаҳат олиб ҳал этишга уринишдан бўлса, энди кундан-кунга мутахассисга мурожаат қилиш ҳолатлари ортгани кўринади.

— Умуман бугун одамларни нималар қизиқтиради? Яъни, уларнинг кайфияти, руҳиятини мутахассис сифатида қандай баҳолайсиз?

— Кўпчилик ўз тадбиркорлиги ва бизнесини ривожлантириш учун қандай йўл тутиш ҳақида ўйлайди. Тушунлиқ ҳолатидан қандай халос бўлиш, фарзандининг келгуси ҳаётига қандай аралашши, ўсмирлик давридаги фарзанди билан келиша олмастик, оиладаги шахслараро муносабатларни яхшилаш эса доим долзарблик касб этган. Эр-хотин, қайнона-келин, оилали ака-укалар, овсинларнинг келишмовчиликлари, биламизки, узил-кесил ечимга эга эмас. Меҳнат жамоаларидаги фаолият тақсимоти, шахсининг ўзини ривожлантири-

ши, стрессдан халос бўлиш каби турли масалаларда маслаҳат олишни исташади. Бу муаммолар ўз навбатида психологик саводхонликни оширишга қаратилган қатор тадбирлар уюштириш ва уни амалга ошириш заруратини кўрсатади.

Шунингдек, яна бир қатор масалаларни бажариш зарур. Масалан, оиладаги муаммоларни аниқлаш ва уларга тегишли психологик ёрдамни кўрсатиш керак. Ёшларнинг турли салбий иллатлар таъсирига тушмаслиги борасида амалий ишлар олиб бориляпти. Бироқ бу йўналишдаги тадбирлар доимий янгиланиши талаб этади. Оилавий муносабатлардан тортиб, ишдаги ва шахсий ҳаётдаги тушунмовчиликларнинг ҳам асосий сабаби саводхонликка бориб тақалади. Ҳуқуқий саводхонлик, психологик саводхонлик, шахс сифатида ривожланиш кўникмаларини бойитиш орқали жамиятдаги иллатларга қарши курашиш мумкин. Асосийси, моддий

21-аср нафақат ахборот асри, балки ПСИХОЛОГИЯ асри бўлади! Чунки психолог мутахассисларга талаб ва эҳтиёж ортади...". Дарҳақиқат, устозимизнинг бу башоратларини ҳаёт ибтидолайпти.

Масалан, каналларда эфирга узатиладиган бир қатор нуфузли кўрсатувларга психолог мутахассис сифатида таклиф этиламан. Ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларда фаолият юритадиган мутахассисларга мўлжаллаб ёзилган рисола, қўлланмаларимизга эҳтиёжнинг юқорилиги ва бошқа фаолият билан боғлиқ вазиятлар психолог мутахассисларга талаб ортганини кўрсатади. Таклиф сифатида эса ижтимоий ҳаётимизда муаммолар кўп қайд этиладиган соҳалар бўйича психологларни тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётимизда психологик хизматни олиб борадиган оилавий психолог, ҳуқуқий психолог, психолог-маркетолог, психолог-педагог, психолог-иктисодчи, психолог-сиёсатчи, психолог-дизайнер, психолог-дефектологлар тайёрланиши лозим. Чунки бу борада мутахассислар деярли йўқ. Олий таълим тизимида шундай дуал, интеграциялашган мутахассислар тайёрланиши муҳим, деб ҳисоблайман.

— Психологик хизматнинг инсон

Ҳаётимизда психологик хизматни олиб борадиган оилавий психолог, ҳуқуқий психолог, психолог-маркетолог, психолог-педагог, психолог-иктисодчи, психолог-сиёсатчи, психолог-дизайнер, психолог-дефектологлар тайёрланиши лозим. Чунки бу борада мутахассислар деярли йўқ.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ЗАҲАРЛАНИШНИНГ
6 САБАБИ

Қиш келиши билан юртимизда ис газидан заҳарланиш ва бунинг оқибатида фуқароларимизнинг ҳаётдан кўз юмиши билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез кулоғимизга чалинмоқда. Ҳўш, бундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

Ис газини — рангсиз, ҳидсиз заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, кўмир ва ўтин чўғларининг тўлиқ ёнмаслиги ёки чала ёниши оқибатида вужудга келади. Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти қуйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

— фуқаролар томонидан газ ва кўмир, ўтин ва бошқа турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик;

— ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжонларидан фойдаланиш;

— иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш;

— газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари (анжонларини) дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;

— ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очик олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;

— ҳавонини алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки тўйнуқларни беркитиб (тўсиб) қўйиш...

Халқимизга куз-қиш мавсумида юз бериши мумкин бўлган ёнғин, ҳаво-газ аралашмасининг қақнаши ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида, қуйидагиларга риоя қилишларини ҳар доим эслатамиз.

Жумладан, ташқи ҳимоя қобиклари шикастланган электр сим ва кабеллардан фойдаланманг, электр ҳўжалигида ортқича юкланиш ва электр симларнинг қисқа туташувидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш лозимлиги сабабли сифат сертификатига эга ҳимоя сақлагичларидан (автоматлардан) фойдаланиш, иситиш печларининг дудбуронларини тозалаш, сошлаш ва уларнинг қоида талаблари асосида ўрнатилиши бўйича хизмат кўрсатувчи махсус ташкилотларга мурожаат қилиш ва улар томонидан лозим даражада хизмат турларининг бажарилишига эришинг, иситиш печларини ҳаддан зиёд киздириб юборманг, газ ва электр иситиш мосламаларини назорат қилишни ёш болаларга топширманг, газ таъминоти идоралари мутахассисларини жалб этган ҳолда, газ жиҳозларини тафтишдан ўтказиб, уларга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этинг, газ ускуналари улаш бўйича тартиб-қоидаларга риоя қилинг, ёнғувчи материалларни газ плиталари устида қуритманг, газ иситиш мосламаларидан хавфсизлик автоматикалари (газининг ўчиб, қайта келишини назорат қилувчи мослама) орқали фойдаланиш ва уларнинг доимий созлигига эътибор беринг.

Умр — ганимат. Юқоридаги сабабларга эътиборли бўлсак, ўзимизни, оила аъзоларимизни, яқинларимизни кўринмас ёвдан асраган бўламиз. Зеро, бепарволикдан каттароқ ёв бўлмаса керак...

**Ҳамиджон НАСИРОВ,
Архив ва Халқ қабулхонаси
биноларида ЁХТТЭ бўлинмаси
мутахассиси, катта сержант.**

ва маънавият ўртасида мувозанат сақлаб қолиниши керак. Чунки қорни оч одамга соатлаб маъруза ўқиш эмас, қоринни тўйдириш йўллариини ўргатиш ёки қоринни тўйдириш яхши самара беради. Бунда ота-оналар зиммасига ҳам катта вазифа юкланади. Улар ўз болалари билан дўстлашиш йўлига ўтиши, босим билан эмас, самимий суҳбатлардан фойдаланиши самаралироқдир. Шунингдек, инсонларнинг ҳаётдан мамнун бўлиш, завқ олиш, келажакка ишонч билан қараш, ўзини бахтли ҳис этишига ёрдам бериш ва зарарли одатлардан қўтулишга кўмаклашиш лозим.

— Психологик хизматга кўпроқ қандай инсонлар (қайси соҳа вакиллари) мурожаат қилади? Яъни, уларнинг асосий муаммолари нималардан иборат?

— Психологик хизматга инсон борки, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, мурожаат қилади. Бизнесмен фаолиятида янада кўпроқ даромад олишни, уй бекаси бажарётган ишига рағбатни, ўқитувчи бераётган дарсидан ўқувчилари билми орттишини... Сиз каби журналист тайёрлаган мақоласи ўқимишли бўлиб эътироф этилишини истайди. Шунинг учун ҳар бир соҳа вакилининг ўзига хос муаммолари мавжуд эканлигини билиб, психологик хизматга эҳтиёж сезади. Бундай эҳтиёж одамларнинг нафақат касби, балки феъл-атвори, темпераменти, қобилияти ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Бир суҳбат доирасида бунга ёритиб бериш учун ҳар бир савол алоҳида кўриб чиқилса, манзилли ва мақсадли бўлади, деб ҳисоблайман.

— Ўзбекистонда ушбу хизмат тури бўйича талабга яраша таклиф борми? Мутахассислар етарли, деб ўйлайсизми?

— Янгиланиш йўлига ўтган Ўзбекистонимиз учун психологик хизматни олиб борадиган мутахассисларни тайёрлаш масаласи жуда зарурдир. Бизга таълим берган устозимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Муҳаммад Давлатшин шундай деганлар: "Мана, кўрсатилган

ҳаётига таъсири ҳақида нима, дея оласиз?

— Биринчидан, ажралишга қарор қилган томонларни яраштиришга эришиш орқали нафақат оилани сақлаб қолиш, балки қанчадан қанча фарзандларнинг тирик етим бўлишига йўл қўймастикка ҳисса қўшилади. Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги юзлаб оилаларга кўрсатилган психологик хизматни қайд этишдан мамнунман. Ҳаётда мақсади йўқ, дуч келган муаммосида ўз жонига қасд қилишдан бошқа чора топа олмаган инсонларга кўрсатилган психологик маслаҳат ишлари ҳам деярли доимийдир. Психологик хизмат туфайли ўнлаб инсонларнинг қалбида ҳаётга, одамларга нисбатан ишончли шакллантира олиш, уларнинг ишончли дўстига айланиш мумкин.

Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ётгани учун, фикримча, олиб борилган психологик хизмат ижобий натижа берган. Кимнингдир бахтли яшашига, кимнингдир омадли бўлишига, яна кимнингдир ўз олдига тўғри мақсадларни қўя олишига замин яратилган.

— Сизнингча, соҳани янада ривожлантиришга эҳтиёж борми ва бунинг учун қандай чоралар кўрилиши зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Эҳтиёж улкан. Инсон борки, оилавий, касбий, таълимий, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, табиий муаммоларга дуч келади. Сўнгсўз ўрнида, буюқ табиб Абу Али Ибн Синонинг ўғитини келтирамиз: "Вужуд руҳнинг амрига мойилдир". Негаки, инсон организмида турли касалликларнинг келиб чиқиши кузатилгани ҳолда, унинг давосини ўзининг руҳияти, кайфияти ва тасаввурига боғлиқ эканлигини ўтказилган кўпгина кузатув ва изланишлар кўрсатиб турибди. Инсондаги салбий ҳисслар таъсирида турли касалликларнинг келиб чиқиши, ижобийлари орқали эса хасталиклардан халос бўлиш мумкинлиги кўплаб тажрибалар орқали тасдиқлаган.

**"Ўзбекистон овози" муҳбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.**

24-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№47 (32689)

Жўшқин Юракли Элликқаблалар

ОДАТДА, БИЗ КЎП ҲАМ
ЭЪТИБОР БЕРМАЙДИГАН
ЖОЙ НОМЛАРИ ЎЗЛАРИДА
КАТТА МАЪНОНИ,
ТАРИХИЙ БИР ЎТМИШНИ
ЯШИРГАН БЎЛАДИ.
ОЛИМЛАРНИНГ ФИКРИГА
КЎРА, МАЪЛУМ БИР ЖОЙ
НОМИ ЎША ҲУДУДНИНГ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА
МАДАНИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА
ТАСАВВУР БЕРАРКАН.



Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқабла туманининг нега шундай номланиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Бир қарашда Элликқаблада ҳам шундай катта тарих ва ҳаёт ҳақиқатлари ўз ифодасини топган. Гап шундаки, туман ҳудуди ва унга ёндош жойларда кўплаб тарихий қаблалар бўлган ҳамда уларнинг сони элликталар экани аниқланган. Бу катта-кичик қаблалар ўз вақтида муҳим стратегик вазифаларни бажарган экан.

Элликқабла, шу билан бирга азиз-авлиёлар юрти ҳам. Бу ерда Норинжон ота, Кечирмас ота каби одамлар талпинадиган зиёратгоҳлар ҳам бор бўлиб, турли жойлардан зиёратчилар боришади.

Элликқаблалар ўзлари яшаб турган туманининг бой тарихидан, яшаб ўтган азиз-авлиёлари ва улуг инсонлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Улар шу билан бирга замондошлари бўлган Амин Тожиев, Абдулла Рўзметов, Озод Шомуродов, Қаҳрамон Сариев сингари шу элнинг фарзандлари номларини ҳам сўйиб тилга олишади. Обод Миращов, Серикбой Раҳметов, Бозорбой Айтбоев каби эл хизматида бўлган инсонлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Хизмат сафари билан Элликқабла туманига борганимизда, дастлаб туман ҳокими Сейдадат Авезов билан учрашдик. Самимий кечган

суҳбатда ҳоким бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Элликқабла туманида ҳам Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг самарасини бераётганини мамуният билан таъкидлади.

— Биргина “Обод қишлоқ” Давлат дастури мисолида амалга оширилаётган ишларни олиб кўрадиган бўлсак, бу йўналишда катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз, — дейди С. Авезов биз билан суҳбатда.

— Негаки, ушбу дастур доирасида туманимизда кўплаб маҳаллалар, овуллар обод бўлди. Айниқса, йўлсозлик борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Бу жараёнда ички йўлларнинг таъмирланишига катта эътибор берилаётгани ҳам барчани хурсанд қилмоқда.

Йўлсозларимизнинг меҳнатлари ва саъй-ҳаракатлари туфайли ишлар қизғин олиб борилмоқда. Умуман, дастур асосида давлат аҳамиятидаги 62 км ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 194 км, жами 256 км йўл тўлиқ фойдаланишга топширилди. Йўлсозлар туманимиз йўлларини сифатли ва узок йиллар халқимизга хизмат қиладиган қилиб таъмирлаб топширишмоқда. Фаолиятимиз давомида биз ҳам ҳамфикрликда иш юритаётганимиз кутилган натижани бермоқда.

Халқимизда “минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал”, деган ҳикматли гап бор. Ана шу нақлга амал қилиб, йўлларни ўз кўзимиз билан кўрмоқчи бўлдик. Бизга Элликқабла туман йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Тўхтабой Раҳмонов ҳамроҳлик қилди.

Йўл-йўлакай кетар эканмиз, Тўхтабой ака билан ҳам яқиндан таниша бордик. Бир қарашда камгап, аммо самимий бўлган ҳамроҳимизнинг айтишича, у 1960 йилда Элликқабла овулида туғилган. Отаси Саъдулла ака шу тумандаги “Бўстон” хўжалигида бош пудратчи, онаси Чамангул опа эса шу хўжаликда ишчи бўлиб ишлаган. Оилада 4 нафар фарзанд бўлишган, яъни опаси Гулчехра ҳамда Улуғбек, Шўхрат исми укалари бор. Ҳаммалари ўқимишли, бугунги кунда туманда турли соҳаларда масъул лавозимларда элнинг хизматини қилишмоқда. Тўхтабой ака

турмуш ўртоғи шифокор Сара опа билан Дилфуза, Шерзод, Бунёд ва Меҳрибонни олий маълумотли, элпарвар фидойи инсонлар қилиб тарбиялашган. Улар ҳам Элликқабла туманида фаолият олиб бормоқда: бири савдо базасида, яна бири эса туман “Тоза ҳудуд” ДУҚда раҳбар лавозимларида ишлаб келмоқда. Тўхтабой ака билан Сара опа нафақат фарзандларининг, балки невараларининг ҳам эл-юрт қорига ярайдиган, ҳалол, фидойи инсонлар бўлишини чин дилдан хоҳлайдилар.

— Бу йўлларнинг, жойларнинг ҳар бир қаричи менга жуда таниш, қадрдон, — дейди у киши ғизиллаб кетаётган машина ойнасидан йўлдан кўз ўзмай. — 1983 йилда Тошкент

яна ўзимнинг қадрдон иш даргоҳимга қайтдим ва бу ерда раҳбар бўлиб иш бошладим. Ҳозир бу ерда аҳил жамоа билан ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Сўхбатимиз шу ерга етганда, Тўхтабой ака машинани тўхтатди ва бизни ҳам тушишга таклиф қилди. Таажжуб аралаш бир қизиқиш билан машинадан тушганимизда у киши худди бобо деҳқонлардек теп-текис асфальт йўлни кўллари билан ушлаб кўрди, кейин эса мамуният билан билан бизга қаради.

— Барча нарсада бўлгани каби йўлсозликда ҳам сифат жуда катта аҳамиятга эга, — деди у киши ўз ҳаракатларига изоҳ бераётгандек. — Ҳозирги ҳолат мени қониқтирди. Биз фаолиятимиз давомида нафақат давлат ёки маҳаллий аҳамиятга, балки ички йўлларни ҳам чин кўнгилдан таъмирлашга ҳаракат қилямиз. Ўлда-жўлда бўлган иш барибир сизни обрўсизлантиради. Энди сизга аниқ маълумотлар асосида айтадиган бўлсам, ички йўлларни таъмирлаш бўйича “Минтақавий йўллар буюртмачи хизмати” ДУК билан 2 та объектда шартнома асосида иш олиб бордик, яъни 01 016 ТМК 452 “Истиқлол” МФЙдаги Фурқат кўчасида 0-143 км қисми, шунингдек, 01 016 ТМК 34 “Тошкент” МФЙдаги Махтумқули кўчасининг 0 74-1.536 км қисми тўлиқ таъмирланди. “Обод қишлоқ” Давлат дастури бўйича 34 км узунликдаги “Қирққизобод” аҳоли пункти ички йўлларининг 11.8 кми, “Кичик Гулдурсин” аҳоли пунктининг 11.1 км, “Килчиноқ” аҳоли пунктининг 11.1 кми таъмирланди. “Оғир ҳудуд” дастури асосида 01 016ТХУ 77 “Қизилқум” МФЙдаги “Чуқуррок” аҳоли пунктидаги, “Буханмерей” аҳоли пункти билан Абай аҳоли пунктларини боғловчи ички йўллар, шунингдек, “Навой”, “Бўстон”, “Ибн Сино”, “Абай”, “Бўстон чинор”, “Бўстон соҳибкор”, “Тошкент”, “Абай Форобий”, “Абай Фирдавс”, “Абай Рудакий” МФЙларидан ва

“Сарибий”, “Навой” массивларидан ўтадиган ички маҳаллий ва халқаро йўлларда қайта қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бевосита корхонанинг ўзига ҳам бордик. Маълум қилинишича, корхона жамоаси аҳил бўлиб, 80 нафар киши ишлайди, 50 га яқин замонавий техникалар бор. Корхона кадрлар бўлими бошлиғи Абдоржон Абдуллаев, бош муҳандис Жамбул Хўжабаев, муҳандис

ёрдамчиси Қаҳрамон Бердиев, 40 йилдан ортиқ ишлаган йўл устаси Абдулла ота Айтмуротов, 30 йилдан ортиқ ишлаган Алишер Раҳимов, 30-сонли йўл бўлими бошлиғи, 40 йилдан ортиқ ишлаган Озод ота Утемуротов, яна бир йўл устаси, 30 йилдан ортиқ ишлаган автогредр ҳайдовчиси, “Шўхрат” медали соҳиби Мақсад Абдиев, 40 йилдан буён ишлаётган “КамАЗ” русумли машина ҳайдовчиси Дусчан ака Шарипов, 20 йилдан буён автогредр ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Улуғбек Қурбанов аҳиллик билан меҳнат қилиб келмоқдалар.

Эллик воҳасидан эсган шаббода, Жўшқин юракларга беради ором. Мақолани тайёрлаш жараёнида беихтиёр мана шу сатрлар ёдимиздан ўтди. Ҳа, тиниб-тинчимайдиган эллиққаблалар 100 ёшга кирсалар ҳам уйда ўтирмайди, доимо ҳаракатда, изланишда. Юрт ободлиги, фаровонлиги йўлидаги эзгу мақсадлар уларнинг юрагида олов бўлиб ёнади, десак асло муболаға қилмаган бўламиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



Жуда мураккаб лойиҳа



ТОҒДАН ТЕРМИЗГАЧА

«Ўзбекгидроэнерго» АЖ Сурхондарё аҳолисини экологик тоза ичимлик суви ҳамда узлуксиз электр энергия билан таъминлашни мақсад қилган

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, БАҲАҚАРАТ ВА УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, БУ БОРАДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ, ХУСУСАН, ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ЯНГИ ГЭСЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ, МАВЖУДЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.



Жумладан, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Сурхондарё вилояти аҳолисини экологик тоза ичимлик суви ҳамда узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун вилоятга пресс-тур ташкил этилди.

Дастлаб ОАВ вакиллари Сарийосиё туманидаги “Тўпаланг” сув омбори билан танишди. Соҳа мутахассислари “Тўпаланг” ГЭС фаолияти ва электр энергия ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда иншоотда амалга оширилаётган лойиҳа ҳақида маълумот беришди.

Бу ердаги сувнинг ҳолати ва таркиби олимларнинг илмий-тадқиқотлари ҳамда хулосасига кўра, экологик тоза, ичиш учун яроқли ҳамда таркибий жиҳатдан инсон организми учун қатор фойдали минерал хоссаларига бой эканлиги эътироф этилган. Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, ичимлик сувининг таркибий хоссалари

таҳлилига кўра, ҳозирда вилоят аҳолиси истеъмол қилаётган сувнинг катта қисмининг қаттиқлик даражаси 14 фоиз экан. “Тўпаланг” сув омборидаги сувнинг қаттиқлик даражаси 4 фоизни ташкил этади. Бу дегани ушбу сув одам организми учун шифобахш хусусиятга эга. Қолаверса, сув омборидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси тоза сувга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга аҳоли соғлигини тиклашга хизмат қилади.

“Тўпаланг” ГЭС сув омбори бўйича бошлиқ ўринбосари Рустам Ботиров иштирокчиларга бу ерда қурилган йирик иншоот ва унинг имкониятлари хусусида гапириб берди.

— Аслида «Тўпаланг» сув омбори 1982 йилда қурилган, — дейди Рустам Ботиров. — Ушбу сув омбори қуввати 500 миллион куб метр суви ўзида сиғдира олиши билан бирга, унинг баландлиги 165 метр ҳисобланади, қўшимчасига яна 22 метр ер остига пойдевор ҳам қилинган. Бир сўз билан айтганда, жами ба-

ландлиги 187 метрни ташкил этади. Шунингдек, “Тўпаланг” сув омбори билан танишув жараёнида ОАВ вакиллари ГЭС фаолияти ва бу ерда электр энергия ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда янги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

— Бугунги кунда воҳа аҳолисининг 55,4 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, узоқ йиллардан буён аҳолининг қолган қисмини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси мавжуд эди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг Ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, матбуот хизмати бошлиғи Равшан Байқулов. — Президентимиз жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур муаммони ҳал этиш учун “Тўпаланг” сув омборидан магистрал сув таъминоти тармоғини ётқизиш вазифасини топширди.

Шунга мувофиқ, ўзи оқувчи магистраль ичимлик суви қувурини қуришнинг техник асослари ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг дастлабки ҳисоб-китобларини тайёрлашга хорижий тажрибали мутахассислар жалб этилди.

Мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши вилоятнинг Сарийосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Бандихон, Шеробод, Музработ, Қириқ, Жарқўрғон, Термиз ва Ангор туманлари ҳамда Термиз шаҳридаги 495 маҳаллада яшовчи 1 миллион 700 минг нафардан ортқ аҳолини марказлашган ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайди.

Бунинг учун қиймати 138,1 миллион доллар маблағ эвазига қуввати бир кеча-кундузда 200 минг метр куб бўлган “Тўпаланг” сув тозалаш иншооти қурилиб, диаметри 426-1420 мм бўлган 361 километр ўзи оқувчи магистрал ичимлик суви қувури тортилиш ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, ҳозирги кунда вилоятнинг 11 та туманида амалий ишлар бошлаб юборилган.

Бу жуда мураккаб лойиҳа бўлиб, даставвал “Тўпаланг” сув омборининг қуйи қисмида босимни сўндириш, сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотлари қурилади. “Тўпаланг” сув омборидан олинган сув аввал асосий иншоотга қуйилади, кейин эса магистраль қувурга узатилади.

Сув тепалиқдан тушиб келгани ва уни ҳайдаш учун ҳеч қандай ортқача воситалар талаб этилмайди, табиий босим натижасида барча ҳудудларга бирдек етиб боради.

Пресс-турнинг иккинчи кунинда ОАВ вакиллари Сарийосиё туманида барпо этилган “Зарчоб-2” кичик ГЭСнинг расмий тантанали очилиш маросимида иштирок этишди. Тантанали маросимда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ раҳбарияти, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, “Тўпаланг” ГЭС УК, “Зарчоб-2” ГЭС масъул вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар ва ёшлар, хорижий мутахассислар иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Тўра Боболов “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Сарийосиё туманида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларнинг нафақат туман, балки бутун вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига самарали улуш қўшаётганлигини таъкидлади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Бошқаруви раиси, сенатор Абдуғани Сангинов ҳам сўзга чиқиб, инвестициявий лойиҳалар асосида барпо этилаётган янги гидроэнергетик объектларининг фойдаланишга топширилишидан кўзланган асосий мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилишдир, деди. Бир сўз билан айтганда, “Зарчоб-2” ГЭСнинг ишга тушурилиши воҳа аҳолисини узлуксиз электр энергия билан таъминлашга хизмат қилиш билан бирга вилоят аҳолиси бугундан мамнун бўлиб яшашига ўз ҳиссамизни қўшишдир. Яъни, 38,2 мегаваттлик мазкур станция тўлиқ қувватда ишлаши ординда 40 минг аҳоли хонадонини электр энергия билан таъминлаш имконияти яратилади. Энг асосийси, ушбу инвестициявий лойиҳалар инсон қадр ва халқ фаровонлиги йўлида изчил амалга оширилаётган ишхотларнинг самарасидир.

Шунингдек, тадбирда Хитойнинг “Dongfang Electric International Corporation” компанияси лойиҳа менеждери Сун Цзян Фэн, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, сенатор Орзиқул Соатов мамлакатимизда кейинги йилларда электр энергияси тармоғини жадал ривожлантириш, барқарор ва узлуксиз электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маълумот ўрнида яна шунга айтиш мумкинки, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти инвестициявий лойиҳалар асосида мамлакатимизда табиий сув энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, янги ГЭСларни қуриш, мавжудларини модернизация қилиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишда. Жумладан, мураккаб пандемия дунёга чанг солган ўтган йили ҳам пухта режа ва қатъий тартиб асосида 6 та янги қурилиш ва модернизация лойиҳаларини фойдаланишга топширди. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қуввати 118,3 МВтни ташкил этади. Бу қўшимча 543 миллион кВт.соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Сарийосиё туманида янгидан бунёд этилган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик ГЭСлари ҳам ушбу лойиҳалар асосида қад ростлади.

Янги ГЭС учун зарур асбоб-ускуна ва гидро агрегатлар хитойлик мутахассислар билан маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигида монтаж қилинди. Бу ишларни бажаришда соҳада етарли тажриба ва нуфузга эга бўлган “TURONELEKTROMONTAJ” акциядорлик жамияти, “NP ESAN”, “AGEM” масъулияти чекланган жамияти сингари монтаж-наладка йўналишидаги корхоналар ҳамда “Тўпаланг” ГЭС унитар корхонасининг “Зарчоб-1” ГЭС бўлимига ишга қабул қилинган ёш мутахассислар жалб этилди.

Тадбир якунида янги ГЭСни ишга туширадиган рамзий махсус тугма босилиб, электр энергияси ишлаб чиқаришга старт берилди. Иштирокчилар гидроэлектр станцияга ўрнатилган замонавий ускуналар ва иш жараёнлари билан яқиндан танишди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мамлакатимизнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, халқимиз хонадонларидаги ёруғлик манбаи барқарорлигини, аҳолини қайта тикланадиган, экологик тоза ва арзон электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш жараёнига муносиб ҳисса қўшиш орқали ҳудудлардаги аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига, ишлаб чиқариш субъектларининг электр қувватлари билан таъминланишига, том маънода, юртимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

1000 АҚШ
ДОЛЛАРИГА “БАҲОЛАНГАН” ҒУДАК

Ҳаёт инсонга бир мартаба берилади. Уни ғўзал ва файзли қилиб ўтказиш ҳам, жаҳолат ботқоғига ботиб, издан чиқариш ҳам ўз қўлимизда. Ғўзаллик ва эзгулик тимсоли саналмиш аёл ўз фаҳми фаросати, ибоси, ҳаёси билан ҳурматга, эҳтиромга сазовор. Умрнинг

узунлиги, бағри бутунлик, қавму қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги ҳам кўп жиҳатдан аёлнинг оқиллигига боғлиқдир.

Балки шунинг учун ҳам миллатимизда аёл алоҳида улуғлиниб, унинг қўлларига гуллар

тутилар. Ҳақиқатдан ҳам аёл қўлларига бешик, фарзанд, гул, зеби-зийнат ярашади.

Оғир уруш йилларида момоларимиз ўзларини эрдай тутиб, фронт ортида меҳнат қилганлар, йўқ имкониятларни топиб мўл ҳосил етиштирганлар. Ҳаётдан нолимаганлар, бошларини чангалламаганлар. Турмуш ўртоқлари, фарзандларининг, жигарларининг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги совуқ хабарларни матонат билан қабул қилганлар. Урушдан кейинги очарчилик йилларида ҳам болаларини ҳалол ризқ билан парвариш қилиш ниятида кечаю кундуз тиним билмаганлар. Бугун улар билан суҳбатлашсангиз, ҳозирги фаровон турмушни ёшликларидега тасаввур ҳам қилишмаганликларини қайта-қайта таъкидлаб, шу кунларга етказганига шукроналик билдирадилар.

Аммо айрим юртдошларимиз бугунги куннинг қадрига етмапти, ношукрлик қилиб, гуноҳга ботмоқда, ҳатто жиноятга қўл уради. Судланувчи Нарғиза Қосимова (исм-фамилия ўзгартирилган) асли хоразмлик. У бир йигит билан турмуш қуради. Оилада ўғил фарзанд туғилади. Оилавий муаммолар сабаб, Нарғиза Қосимова турмуш ўртоғи билан Тошкент шаҳрига кўчиб келиб, ижарада яшай бошлашди. Нарғиза “Қўйлик деҳқон бозори”даги ошхонада Лола исми аёл билан танишади. Кунларнинг бирида Нарғиза халғи аёлга телефон қилиб, ёрдам беришини сўрайди. Улар холи жойда учрашди.

— Нима гап? — сўрайди Лола.

— Қийналиб қолдим, — оҳиста сўзлайди

Нарғиза. — Ўғил фарзандим бор. Чел элга кетмоқчиман. Тўғриси, шу боламни сотмоқчиман.

— Қанча сўрайсиз, — деди Лола.

— 2000 АҚШ доллари берсангиз бўлади.

Улар узоқ “савдолашганларидан” кейин ғўдакнинг нархи 1000 АҚШ доллари “баҳоланди”.

— Нарғиза, — деди Лола атрофга қараб, — болангизни сотганлигингиз ҳақида тилхат ёзиб берасиз. Уйдагиларга кўрсатишим керак. Кейин йиртиб ташлайман.

Табиийки, Нарғиза рози бўлади.

Нарғиза Қосимова фарзанди эвазига 1000 АҚШ долларини олган вақтида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан қўлга олинди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Суд судланувчи Нарғиза Қосимовага жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги ва бошқа жиҳатларни эътиборга олди.

Бу ўрнида бир аёлнинг жазога тортилиши эмас, балки нега шундай қабиқ ишга қўл ургани кишини ўйга толдиради. Бунга сабаб моддий қийинчилими? Йўқ, албатта. Боласини собиқ эри, қариндошларида ҳам қолдирса бўларди. Назаримда, гап моддий масалада эмас, маънавий ожизликда. Маънавий хасталик сабаби янада чуқурроқ ўйлашни талаб этади.

Равшан ШОДИЕВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

MA'NAVIYAT

Бу роман сизни бутунлай ўзгартиради.

24-noyabr, chorshanba, 2021-yil.
№47 (32689)

ДОСТОЕВСКИЙНИНГ ЭНГ ОХИРГИ ВА БУЮК РОМАНИ...



ХАР БИР АСАРИ ДУНЁ АДАБИЁТИДА ЭНГ ЮҚОРИ ЎРИНЛАРДА ТУРАДИГАН, ЎҚИГАНДА ЮРАКЛАРНИ ТИТРАТИБ ЮБОРАДИГАН, ОНГА КУЧЛИ ТАЪСИР ЎТКАЗИБ, ЎҚИЙ БОШЛАГАНИГИЗДАН Кейин инсон ҳақидаги хаёлотлар ва ҳақиқат оламига олиб кетадиган ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙНИНГ НАВАТДАГИ РОМАНИ "АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР" ДИР.

Достоевскийнинг жаҳон адабиётида ўрни, обрўси хусусида жуда кўп айтилган, айтилади. Ўзбек китобхонлари орасида ҳам Достоевский ижодининг ихлосмандлари кам эмас. Яқин-яқингача ёзувчининг "Ака-ука Карамазовлар" романини она тилимизда ўқиш имконияга эга эмасдик. Қолган асарлари бир нечта таржимонлар томонидан турли ёндашув билан ўзбек тилига ўғирилган. Лекин унинг сўнгги романи таржима қилинмаган эди.

теран ўрганиб чиқишни талаб этади. Буларсиз чин таржима юзага келмайди. Чала-чулпа, менсимасдан, "таржима ҳам ишми", деб буюк асарни она тилига ўғириш, бу таржимани таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. Шундай экан, асарларнинг китобхонга асл даражада етиб келиши таржимон маҳоратига боғлиқ. У истаса, адибнинг мавқеини ошириши, миллионлаб қалбларга кира олиши ёки унинг ижодини йўққа чиқариши мумкин.

орасида Достоевский асарларини, гоёларини жуда оғир, ўта фалсафий, тез ва осон ҳазм бўлмайди, дейдиганлар ҳам учраб туради. Бироқ таржимон маҳорати билан "Ака-ука Карамазовлар" да бу оғир юкни сезмайсиз, гўё инсонни, ўзингизни бошқатдан кашф этасиз.

ДОСТОЕВСКИЙ ФАҚАТ ҲАҚИҚАТНИ ЁЗГАНМИ?

"Энг ростгўй ёзувчи", "энг ҳақиқатларвар ёзувчи", "фақат ҳақиқатни ёзади"... Достоевский ҳақида гап кетганда, энг биринчи янграйдиган жумлалар бу. Дунё китобхонлари уни ростгўйлиги учун ҳам севишади. Сизчи, Достоевскийни нима учун яхши кўрасиз? Балки унинг ижоди сизга ҳали таниш эмасдир?

Унда айрим маълумотларни билиб кўйган яхши. Адиб бу асарини 56 ёшида ёзишни бошлаган. Ўша даврда Достоевский учун жуда оғир дамлар бўлган. Оилавий муаммолар гирдобиди қолган адиб учун роман устида эркин ижод қилиш осон кечмаган. Ўзининг сурункали касали 3 яшар фарзандига ҳам ўтганди. Тутқаноқ касалидан ўзи азоб чекиши етмаганидек, қизалоғи ҳам қийналар эди. Роман ёзаётган вақтда фарзанди ана шу хасталиқдан вафот этади.

Бу жудоликдан ёзувчи бутунлай тушкунликка тушиб қолади. Достоевскийнинг хасталиги туфайли роман якуни чўзилган. Қолаверса, унинг руҳий ҳолати, оилавий муаммолари, кайфияти ҳаммаси асар мазмунига ҳам таъсир кўрсатган. Ҳатто унинг ҳажми ҳам ортган, воқеалар, сюжетлар кенгайган, дейишади.

"АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР" ШАХСИЙ КУНДАЛИКМИ?

Бу асарни ижодкорнинг шахсий кундалиги ҳам дейишади. Бу роман ўз даври, 20-аср адабиётига, хусусан, Кафка, Жойс, Мориак, Томас Ман, Франсис Скот, Жон Стейнбек каби кўплаб ёзувчилар ижодига кучли таъсир кўрсатган. Эйнштейн ҳам ушбу роман ҳаёти ва дунёқарошига ижобий таъсир этиб, уни ўзгартирган хусусида фикрлар билдирган. Альберт Камью эса "Исёнкор инсон" номли асарида Иван Карамазов ҳақида алоҳида тўхталган. Бундай мисоллар кўп. Хуллас, асар ахлоқ ҳақида, эътиқод ва эътиқодсизлик ўртасидаги кураш ҳақида.

"Ака-ука Карамазовлар" Достоевский ижодига яқун ясаган романдир. Унинг гултожи, шоҳ асаридир. Мутолаа учун вақт ажратиш лозим бўлган, вақтлар ўтиб уни яна кўлга олиб ўқиш шарт бўлган китобдир.

Нигора ҲАСАНОВА.

ОБУНА-2022

«ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ҚАДРДОНИМ»

Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасида юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Денов туманидаги "Жамшид-Хуршид-Ферузбек" тиббий диагностика маркази жамоаси ҳам талай ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўлдик. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Эътибор Хўжаева раҳбарлик қилиб келаётган масканда Япония, Хитой, Россия ва бошқа хоржий мамлакатлардан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда айни муддао бўлмоқда. Қолаверса, ушбу марказда айни вақтда ўн тўрт нафар одамнинг бандлиги таъминланган.

– Бугунги шиддаткор замонни кечаги кун билан асло қиёслаб бўлмайди, – дейди марказ раҳбари Эътибор Хўжаева. – Биласизми, бундан тўрт-беш йил аввал соҳада қатор камчиликлар бор эди. Айниқса, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига эҳтиёжимиз бор эди. Аммо уларни харид қилишга имкониятимиз етарли даражада эмасди. Давлатимиз раҳбарининг қатор қарор ва фармонларидан кейин соҳа тубдан ўзгарди. Бу билан нима демокчиман? Чет давлатлардан тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилишга имтиёзлар берилди.

Бундан ташқари, марказимиз ходимлари бугунги кунда нафақат 400 мингга яқин деновлик аҳоли, балки қўшни Олтинсой, Узун, Сариосиё, Шўрчи туманларида истиқомат қилаётган 800 минг нафар юрtdошимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида меҳнат қилишмоқда. Янгилик сифатида яна бир маълумотни айтмоқчи эдим. Жорий йил охиригача марказимизнинг беш қаватли биноси қурилиб фойдаланишга топширилишини режалаштириб турибмиз. Шунда аҳолимизга янада кўпроқ даволаш амалиётларини кўрсата бошлаймиз ва яна 20 га яқин тиббиёт ходимини иш билан таъминлаймиз.

– Тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганимга 40 йилдан ошди, – дейди сўхбатдошимиз. – Юртимиздаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар нафақат ахборот тарқатади, балки таълим-тарбия бериб, долзарб муаммоларни кўтаради. Шу боисдан ҳам 30 йилдан буён "Ўзбекистон овози" газетасини мунтазам ўқиб бораман. Ўтган қисқа даврда нашрнинг дизайни тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан бир қаторда, танқидий-тахлилий чиқишлар ва долзарб мавзулардаги мақолалар кўпайгани эса янада қувонарли. Яқин кўмакчи ва ишончли маслақдошимиз бўлган нашримизга келгуси йил учун 5 нафар партиядошимиз йиллик обуна бўлишди. Бу ташаббусни қўллаб-қувватловчи сафдошларимиз сафи янада кенгайишига ишонаман.

» **30 ЙИЛДАН БУЁН "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСINI МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРАМАН.**

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ДАВЛАТ РАМЗИ — ХАЛҚ РАМЗИ

«Темур тузуклари»да таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийларга давлат тимсоллари инъом қилинган. Бу соҳибқирон давлатида салтанат рамзлари нечоғлиқ баланд мақом тутгани ва улар қандай катта ижтимоий-сёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаганини кўрсатади.

Бу каби мард ва шижоатли жангчилар, эл қаҳрамонлари ўз-ўзидан етишиб қолмаган, албатта. Улар ёшлигиданоқ тўғри таълим ва тарбиянинг эвазига юқоридаги каби юксак даражага эришган.

Мисол учун, дostonчи дoston айтиди. Хато айтса, шартта бас қилиб, бошқатдан, тузатиб айтади. Ёзувчи китоб битади. Китобидаги жумла ёқмаса, ижодкор шартта-шартта ўчиради, ёқими қилади. Ота-она, устозлар ёшлиқдан тарбия бермаса фарзандини, шогирдини тузатолмайди! Ёш гўдак улғаётиб, катта бўлаётиб, нима феъл-атвор топса, шу феъл-атвориди қолади. Ана шундан кейин устоз ёки ота-она болани тузатаман деса, ўзига жабр қилади. У улғайгач уни тузатиш қийин! Етуқ инсон устоз ва ота-онанинг берган таълим-тарбиясидан, қалб кўридан бино бўлади!

Бугун ҳам давлат рамзларимизни, жумладан, байрогимиз-



нинг нақадар муқаддаслигини болаларга ёшлиқдан тушунтириб бориш йўлида жонқуяр устозларимиз меҳнат қилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги 156-умумтаълим мактабида байрогимиз қабул қилинган кун муносабати билан "Байрогим фахрим" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Бадиий академияси, ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, йил rassomi муқофоти совриндори, таниқли мусаввир Умар Ражабов ўз шогирди rassom Сирожиддин Абдусатторов билан иштирок этди. Байрогимиз ва унинг ранглари борасида ўқувчилар билан сўхбатлашди ва уларга ўзларининг маҳорат сабоқларини ўтди. Ўқувчилар байрогимизнинг суратини чизди ва уларни rassom баҳлолаб, ўқувчиларга керакли маслаҳатларни берди. Ватан мавзусида қўшиқлар, шеърлар айтилди.

Ўз муҳбиримиз.

НЕГА АСАРНИ ЎҚИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ?

Асарни ўзбек тилига бекиёс даражада ўғирган таржимон Иброҳим Ғофуровнинг айтишича, бу Достоевскийнинг энг охириги ва энг буюк романи. Таржимоннинг таъкидлашича, бу асарни ўқиш осон бўлмайди. Аммо ичига кириб, руҳига тушиб олинса, "Телба", "Қиморбоз", "Жиноят ва жазо", "Иблислар"ни қандай қизиқиб ўқиган бўлсак, "Ака-ука Карамазовлар" романини ҳам шундай қизиқиб билан ўқиймиз.

Маълумотларга кўра, Достоевский бу асарни 3 йил ичида ёзган. 1877 йилда бошлаб, 1880 йилнинг ноябрь ойида романнинг сўнгги бобига нўқта қўйган. Таржимага ҳам деярли шунча вақт кетибди.

Иброҳим Ғофуров, таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони:

– Ўзбек адабиёти Жойс, Достоевскийнинг тафаккур дунёси билан, бадиий дунёлари ва улардаги кашфиётлар билан бойиши керак. Ҳозир ўзбек адабиётига янги ва яхши таржима асарлар кириб келяпти. Лекин бадиий таржимонлик ижодкордан жуда катта билим, савия, фалсафий қарашларни, бадиий қонун-қоидалар талабларини

Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адабиётшунос:

— Роҳат қиласизлар! 2021 йилда ўқидим, деб ёзиб қўйинг, 2025 йилда ўқидим, деб ёзиб қўйинг. Ҳали сиз 2050 йилда ҳам бу китобни ўқингизга ишонаман. Қандай маъза сизларга. Асарга қайта мурожаат этганимизда бошқа одамга айланиб қолган бўласиз. Чунки, бу роман сизни бутунлай ўзгартиради.


Улугбек Ҳамдам, адабиётшунос, таржимон:

— Учта ака-ука ва уларнинг оталари тақдири бир-бирига фожиали тарзда боғланиб кетган бўлса ҳам ҳар бирининг характери, интилишлари, феъл-атвори, қарашлари бир-бирдан катта фарқ қиларди. Роман матонатли инсоннинг фожиали ҳаёт йўллари, жиноятларига бошлаб кириб кетадиган ҳолатларни ва шу ҳолатларда одамнинг руҳияти қандай бўлиши кераклиги ҳақида. Бу руҳиятдаги изтиробларга одам қандай чидаши, ана шу чидам эса инсоннинг ақл иродасига боғлиқ экани ҳақида.

ДОСТОЕВСКИЙ ГОЯЛАРИ ОҒИРМИ?

Бир масала бор. Китобхонлар

ХАЁТ САБОҒИ



Ҳаммаси одамнинг ўз кўлида.
Фёдор Достоевский.

Нигора ҲАСАНОВА.

O'zbekiston ovozi

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHIRIR HAY'ATI:

- Ulug'bek INOYATOV
- Ulug'bek VAYTOYEV
- Maqsuda VORISOVA
- Qalandar ABDURAHMONOV
- Guliston ANNAJILICHEVA
- Muslihiiddin MUHIDDINOV
- Hayotxon ORTIQBOYEVA
- Shuhrat ISLOMOV
- Toshtemir XUDOVYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.
Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.
E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1141. 14100 nusxada bosildi. O'zA yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 21:50.
t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda